



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » iyul

№ 467

Toshkent sh.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, давлат бошқарувининг ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг 2021 йил II ярим йиллиги учун фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий схемаси 1-иловага мувофиқ;

Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари (кейинги ўринларда – Асосий мезонлар) 2–11-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланаётган Асосий мезонларга мувофиқ ўзлари раҳбарлик қилаётган идораларда раҳбар ўринбосарларининг **фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг қўшимча мезонларини** (кейинги ўринларда – қўшимча мезонлар) Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, қўшимча мезонлар:

вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмаларига **юклатилган қўшимча функционал вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилади;**

вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари учун белгиланган **Асосий мезонларнинг учдан бир қисмидан ортиши мумкин эмас;**

вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари биринчи раҳбарлари томонидан ташаббус қилинади ҳамда **Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгандан сўнг мазкур ташкилотларнинг коллегиял органи томонидан тасдиқланади;**

тегишли ташкилотлар раҳбари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш учун **қўшимча кўрсаткичлар сифатида инобатга олинади.**

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари:

2021 йил 20 августга қадар 2021 йил II ярим йиллиги учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини тасдиқласин;

ўзлари раҳбарлик қилаётган идорада раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича **ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини таъминласин.**

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини, шу жумладан Асосий мезонларга эришилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ва маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг 2021 йил II ярим йиллиги учун фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолашнинг ТАШКИЛИЙ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Изоҳ
1-босқич	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари	<p>1. Раҳбар ўринбосарларининг 2021 йил II ярим йиллиги учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини (кейинги ўринларда – кўрсаткичлар) ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кўрсаткичларни Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси билан келишиш.</p> <p>3. Келишилган кўрсаткичларни коллегиял органларида муҳокама қилган ҳолда тасдиқлаш.</p>	2021 йил 1 август 2021 йил 10 август 2021 йил 20 август	<p>1. Кўрсаткичлар мазкур қарор билан тасдиқланган фаолият самарадорлиги мезонларидан келиб чиқиб тайёрланади.</p> <p>2. Кўрсаткичлар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси билан келишилади.</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари кўрсаткичларни Бош вазирнинг ўринбосари ва маслаҳатчилари билан келишишни ташкиллаштиради.</p> <p>3. Келишилган кўрсаткичлар вазирлик ва идоралар коллегиял органларининг йиғилиши баёни билан тасдиқланади.</p>
2-босқич	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари	<p>1. Фаолият кўрсаткичларининг амалда жорий этилиши юзасидан тизимли мониторинг қилиш, унинг натижаларини танқидий таҳлил қилиб бориш.</p> <p>2. Чорак якуни бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолиятининг якуний натижаларини кўриб чиқиш учун коллегиял орган мажлисини ўтказиш ҳамда ҳар бир раҳбар ўринбосарига баҳо бериш.</p>	2021 йил 3 октябрь (III чорак якуни) 2022 йил 3 январь (IV чорак якуни)	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9-бандида белгиланган формула асосида раҳбар ўринбосарининг умумий самарадорлик кўрсаткичи аниқланади.</p> <p>2. Умумий самарадорлик кўрсаткичи асосида раҳбар ўринбосарига коллегиял органларининг йиғилиши баёни билан “қониқарсиз”, “қониқарли”, “яхши” ёки “аъло” деб баҳо берилади.</p>

<p>3-босқич</p>	<p>Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари</p>	<p>Ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича берилган баҳо натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, шу жумладан, тегишли ўринбосарлар масъулияти юзасидан таклифлар ҳамда бошқа таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига киритиш.</p>	<p>2021 йил 5 октябрь (III чорак якуни)</p> <p>2022 йил 5 январь (IV чорак якуни)</p>	<p>1. Коллегиал орган йиғилиши натижалари бўйича ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, уларнинг ўринбосарлар масъулияти юзасидан таклифлар ҳамда бошқа таҳлилий материаллар тайёрланади.</p> <p>2. Таҳлилий материаллар ва коллегиал органи йиғилиши баёни нусхаси Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчисига киритилади.</p>
<p>4-босқич</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари</p>	<p>Давлат бошқаруви органи ва хўжалик бирлашмаси томонидан киритилган материаллар асосида Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси хузурида муҳокама ўтказиш учун материалларни тайёрлаш.</p>	<p>2021 йил 7 октябрь (III чорак)</p> <p>2022 йил 7 январь (IV чорак)</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаси киритилган материаллар асосида Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси хузурида муҳокама ўтказиш учун материалларни, шу жумладан, ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолияти бўйича алоҳида маълумотнома тайёрлайди.</p>
<p>5-босқич</p>	<p>Бош вазир ўринбосарлари, маслаҳатчилари</p>	<p>1. Тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида йиғилиш ўтказиш, ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятини танқидий муҳокама қилган ҳолда шахсий баҳо бериш.</p> <p>2. Раҳбар ўринбосарини рағбатлантириш ёки ўзига бириктирилган соҳа ва тармоқларда асосий кўрсаткичларга эришишда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун лавозимга лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот бериш.</p>	<p>2021 йил 10 октябрь (III чорак якуни)</p> <p>2022 йил 10 январь (IV чорак якуни)</p>	<p>1. Бош вазирнинг тегишли ўринбосари ёки маслаҳатчиси хузуридаги муҳокамада ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берилди, уларни рағбатлантириш, интизомий чора қўллаш, шу жумладан, лавозимга лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.</p> <p>2. Муҳокама натижалари бўйича ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берилган ҳамда уларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича аниқ таклифларни назарда тутувчи ахборот хати тайёрланади.</p> <p>3. Ахборот хати бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига тегишли Бош вазир ўринбосари ёки маслаҳатчиси томонидан шахсан ҳисобот берилди.</p>

<p>6-босқич</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот бериш натижалари бўйича раҳбар ўринбосарларини рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўллаш, заруратга кўра, раҳбар ўринбосарлари лавозимини қисқартирган ҳолда уларга юкланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли департамент фаолиятини ташкил этиш бўйича аниқ таклифларни назарда тутган ҳолда якуний таҳлилий материалларни тайёрлаш. 2. Якуний таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қилиш ҳамда умумлаштириш учун Макроиктисодий таҳлил котибиятига тақдим этиш.</p>	<p>2021 йил 12 октябрь (III чорак якуни)</p> <p>2022 йил 12 январь (IV чорак якуни)</p>	<p>1. Таркибий бўлинмалар ўзлари мутасаддилик қиладиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш юзасидан Бош вазирга ҳисобот бериш якунлари бўйича якуний таҳлилий материалларни тайёрлайдилар. 2. Якуний таҳлилий материаллар Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қилинади ҳамда заруратга кўра қайта ишланади. 3. Якуний таҳлилий материаллар умумлаштириш учун электрон ва қоғоз нусхада Макроиктисодий таҳлил котибиятига тақдим этилади.</p>
<p>7-босқич</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси, Макроиктисодий таҳлил котибияти, Умумий бўлим</p>	<p>1. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган якуний таҳлилий материалларни умумлаштирган ҳолда йиғма таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. 2. Йиғма таҳлилий маълумотномани Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қилиш. 3. Йиғма таҳлилий маълумотномани Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юбориш.</p>	<p>2021 йил 15 октябрь (III чорак якуни)</p> <p>2022 йил 15 январь (IV чорак якуни)</p>	<p>1. Макроиктисодий таҳлил котибияти таркибий бўлинмалар томонидан киритилган таҳлилий материалларни умумлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юбориш учун йиғма таҳлилий маълумотнома ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига йўлланма хатни тайёрлайди. 2. Йиғма таҳлилий маълумотнома Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳузурида ҳимоя қилинади, заруратга кўра қайта ишланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хат билан юборилади.</p>

6.	Хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Хукуматлараро комиссияларининг навбатдаги йиғилишларини ўтказиш, шу жумладан:												
	хукуматлараро комиссияларнинг йиғилишлари доирасида ташкил этиладиган қўшма бизнес-форумлар ва бошқа тадбирлар;	та											
	тадбирлар натижасида эришиладиган келишувларнинг умумий қиймати.	млн. доллар											
7.	Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши доирасида амалга ошириладиган тадбирлар.	та											
8.	Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи-давлат мақомидаги ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган тадбирлар.	та											
9.	Ўзбекистоннинг халқаро транспорт-транзит коридорларини диверсификация қилиш доирасида амалга ошириладиган тадбирлар.	та											
10.	Республика ҳудудларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича хорижий ишбилармон доиралар ва инвесторларни мамлакатимизга, шунингдек вазирлик, маҳаллий ҳокимлик, тармоқ вакилларининг хорижий давлатларга амалга ошириладиган ташрифлари.	та											
11.	Вазирлик ва дипломатик ваколатхоналар бириктирилган республика шаҳар ва туманларида (Оҳангарон, Ҳазорасп, Тахистон ва б.) “лойиҳабай”, “туманбай”, “маҳаллабай” амалга ошириладиган чора-тадбирлар.	та											

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	шу жумладан:											
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		Йиллик			
			режа	фойз	режа	фойз	режа	фойз	режа	фойз	режа	фойз		
2.	Соҳада янги иш ўринларини яратиш.	нафар												
3.	Маҳсулот экспортининг прогноз параметрларининг бажарилиш ҳажми.	млн долл.												
4.	Маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, шу жумладан:	млрд сўм												
	хомашё ва материаллар сарфини мақбуллаштириш ва арзон нархларда хомашё маҳсулотларини харид қилиш;	млрд сўм												
	технологик ва бошқа йўқотишларни мақбуллаштириш ҳисобига харажатларни қисқартириш;	млрд сўм												
	асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар сонини қисқартириш;	млрд сўм												
	меҳнат ва асосий воситалар унумдорлигини ошириш ҳисобига харажатларни қисқартириш;	млрд сўм												
	эксплуатация ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш;	млрд сўм												
	маъмурий харажатларни қисқартириш	млрд сўм												
	маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш	млрд сўм												
	5.	Маҳсулот сотишдан тушум ҳажми.	млрд сўм											
6.	Дебитор ва кредитор қарздорликнинг айланувчанлик даври	кун												
	дебитор қарздорлик айланувчанлиги;	кун												
	кредитор қарздорлик айланувчанлиги.	кун												
7.	Бюджетга тўловлар ҳажми	млрд сўм												
8.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та												

